

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 636-ҳадис

636/1270 - عَنْ جَابِرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: أَتَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَبْدَ اللَّهِ بْنَ أَبِي بَعْدَ مَا دُفِنَ، فَأَخْرَجَهُ، فَنَفَّثَ فِيهِ مِنْ رِيقِهِ، وَأَلْبَسَهُ قَمِيصَهُ.

636.1270. Жобир розияллоҳу анҳу айтади:

«Абдуллоҳ ибн Убай дафн қилингач, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, уни чиқартирдилар ва унга тупукларидан туфлаб, кўйлакларини кийдириб қўйдилар».

Изоҳ: Ушбу ҳадис бир қараганда олдинги ҳадиснинг маъносига зид келади. Чунки олдинги ривоятда кўйлакни майитнинг ўғли сўрагани, кейингисида эса майитни қабрдан чиқариб, унга кўйлак кийдирилгани айтилган. Бу икки ҳадиснинг маъносини бирлаштириш учун турли эҳтимоллар айтилган. Жумладан, кўйлак қайсиdir сабабга кўра майитга кийдирилмай қолиб кетган ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ваъдани адо этиш ҳамда майитнинг ўғлининг илтимосини бажариш учун мазкур тасарруфни қилганлар ёки юқоридаги ҳадисда кўйлакни берганлари умумий маънода айтилган бўлиб, кейингисида эса қачон берганлари баён қилинган. Баъзи уламоларнинг фикрича, бунда майит қабрга қўйилган бўлса-да, ҳали кўмилмаган эди.

Манба: hadis.islom.uz



